

# НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

# Qishloq hayoti

2012 йили Мустақкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 23-MART, JUMA, 36 (7965) - son 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

## Бунёдкорлик, янгиланиш ва меҳр-мурувват айёми

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!  
Муҳтарам меҳмонлар!  
Табиат уйғониб, баҳор нафаси тобора кучайиб, она заминимиз яшил либосга бурканиб бораётган шу ёруғ ва мунаввар кунларда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини юртимизга кириб келадиган Наврўзи олам – янгиланиш ва яшариш байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Наврўз айёми барчамиз учун шарқона янги йил деб очилди, серҳосиллик ва кут-баракат гоёсини ўзида мужассам этадиган, бизнинг миллий табиатимиз ва қадриятларимиздан ажратиб бўлмайдиган, ҳар қандай сиёсатдан холи, энг қадимий, энг севимли байрами-миздир.

Бундан минг йиллар аввал, қўнча "Авесто" яратилган замонларда ҳам бизнинг аждодларимиз бу дилбар фасл кунлари Сирдарё ва Амударё бўйларига, чексиз Туроннинг қишлоқ ва кентларида, дашт даладарда табиат билан тиллашиб, Наврўз нашидасини сурганлар, кўш ҳайдаб, далага дон сочиб, тинчлик-омонлик тилаб, янги орзуниятлар билан яшаганлар.

Наврўзи олам том маънода ўзининг руҳи ва гоғларини инсоннинг доимо она ер ва табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаши, ҳар қайси одамнинг қалбига, унинг дини ва миллатидан қатъи назар, яшамок ва яратмок интилишларини уйғотиш, аҳиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келмоқда.

Бунинг яққол исботи шу кунларда юртдошларимизнинг бағрини кенг очиб, табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва қўқсомса каби баҳоринг неъматлар тортганида дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда сайил-томошалар қилиб, Наврўз айёминини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганимиз, нишонлаётганимизда намён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-етимларнинг бошини силлаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беҳимнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг ақини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутулади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қад-



## АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА БЎЛИБ ЎТГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАН РЕПОРТАЖ

Баҳор ўзининг ҳарир либосига охира ўраб, майин экинларда аллабаб, биз интиқ ва интизор кутган ардокли байрамимиз Наврўзни олиб келди.

Бу ерда ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илгөрлари, тadbirkorлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаёлият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 12.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди.

Тадбир катнашчилари давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан қутиб олади.

Чорлов мусикаси янгради. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари барчани яшариш ва янгиланиш айёми билан қутлар экан, ўзининг маъно-мазмунини, кўру таровати, теран фаъсафаси билан бошқа байрамлардан ажралиб турадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъана-удумлари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

...Янги кун бошланди. Саҳархез боболарнинг нурунинг чехрасидан, дуоғуй момоларнинг

## ШЕРЗОД ЛОНДОНДА ҲАҚАМЛИК ҚИЛАДИ

Шерзоднинг отаси Ортиқбой Ҳасанов сортарош, онаси Арофатхон Қулбекова ўқитувчи. Улар оиладаги фарзандлар таълим-тарбиясига жиддий эътибор билан қарашди. Шерзод Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 48-умумтаълим мактабда ўқиди. Ушбу мактабда чет тиллари мукаммал ўқитилар, Шерзоднинг фанларни ўлаштириши яхши эди. Ўқидан бўш вақтларида эса 25-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қатнаб, Артур Сулаймонов мураббийлигида катта теннис бўйича дастлабки сабоқларини ола бошлади.

Кейинчалик Наманган давлат университетининг физкультура ва спорт факультетига тахсил олиш билан бирга катта теннис мусобақаларида ёрдамчи ҳакам вазифасини ҳам бажарди. 2002 йил Бухоро шаҳри мезонлик қилган, таллабалар ўртасида ўтказиб келинаётган университет мусобақасида ҳакамлик қилди.

Шерзод Ҳасанов 2002 йилда катта теннис бўйича республика тоифасидаги ҳакам мақомига эга бўлди. Мамлакат миқёсида ўтказилган бир неча мусобақаларда ҳакамлик қилди. Шерзод ўз устидан ишлаш ва изланишдан чарчамасди. Ҳакамлик касбини мукаммал эгаллашга астойдил киришди.

— 2005 йили Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрига бориб, халқаро ҳакамлар мактабига ўқидим ва халқаро тоифадаги ҳакам мақомига эга бўлдим, — дейди у.



Утган йилларда Шерзод Ҳасанов Германия, Бирлашган Араб Амириклари, Сингапур, Малайзия, Ҳиндистон каби ўндан ортиқ мамлакатларда бўлиб, катта теннис бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларни бошқарди. Ҳар бир мусобақани юксак савияда ўтказишга эришган Шерзод Ҳасанов шу йилнинг ёзида Лондонда бўлиб ўтадиган олимпиадада катта теннис мусобақаларида ҳакамлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— 2011 йил февраль ойида Тошкент давлат жисмоний тарбия институтига бўлиб ўтган ўқув-семинарда қатнашдим, — дейди Шерзод. — Тайёргарлик яхши кетяпти. Лондон олимпиадасига боришим ва у ерда катта теннис мусобақаларига ҳакамлик қилишим, мамлакатимизда спорт, жумладан, катта теннис қай даражада ривожланиб бораётганини белгилайди. Шу боис, маъмур муфузли мусобақада спортчиларимиз қаторида мен ҳам жонахон Ватанимизнинг шон-шухратини ҳимоя қилиш, унинг нуфузини янада кўтариш учун бор имкониятими ишга соламан.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

## Фаргона Вилюти ЯНГИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Фаргона шаҳрида Бизнесга кўмаклашиш маркази иш бошлади

Тadbirkorлик субъектларининг зарур хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва турли рухсатномалар олиш жараёнини соддалаштириш ушбу соҳани ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратишда муҳим омили бўлаётди. Хусусан, амалиёт "ягона ойна" принциплари билан қўрсатишнинг самарали шаклидан бири эканини кўрсатмоқда.

Маъмур принцип бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-сановат палатаси, Фаргона вилюти ҳокимлиги, БМТ Тараққиёт дастури ва Марказий банк ҳамкорлигида Фарғонада ташкил этилган ушбу марказда тadbirkorлар давлат идоралари ва тixokrat ташкилотларининг ўзaro боғлиқ хизматларидан фойдаланиши мумкин. Марказ масъулатчилари икки ва кўп томонлама шартномалар доирасида давлат органлари ва тixokrat ташкилотларининг хизматларини тақдим этади, тadbirkorлик субъектларига турли рухсатнома, гувоҳнома ҳамда сертификатлар олишда кўмаклашади.

Марказнинг очилиши маросими иштирокчилари тadbirkorлар учун бизнес юритишнинг муҳим жиҳатларига таълуқли тизимлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган ахборот киоски иши билан ҳам танишдилар.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Наманган Вилюти







Қашқадарё вилояти

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# БАНК САРМОЯЛАРИ МИЖОЗЛАРГА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА



Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи аграр тармоқни тараққий эттиришда замонавий ҳамда тежамкор технологияларни амалиётга татбиқ этишнинг аҳамияти катта. Аграр тармоқ ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдирди, демакки, фаровонлиқни таъминлайди. Молия муассасалари томонидан эса ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида фаол ишлар давом этмоқда.

“Агробанк” ОАТБнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси томонидан ҳам истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш учун сармоялар ажратилмоқда.

Бугунги кунда банк томонидан 22 мингдан ортиқ миқдорда банк хизматлари кўрсатилмоқда. Шундан 5700 дан зиёда кичик бизнес субъектлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Утган йилда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 1492 кичик бизнес субъектига 28 миллиард 106 миллион сўм кредитлар берилди. Сармоялар ҳисобига 3327 та янги иш ўрни яратилди.

Йўналтирилган маблағларнинг 6 миллиард 400 миллион сўмини микрокредитлар ташкил этади. Улар халқ истеъмол моллари, қишлоқ ҳўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохбчаларини ривожлантириш учун йўналтирилган.

Айни пайтда банк филиалларида 1243 дан ортиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор аёлга хизмат кўрсатилмоқда. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ажратилган кредит маблағлар қолдиги 3 миллиард 243 миллион сўмини ташкил этади. Шундан 2011 йилда 190 нафар тадбиркор аёлга 2 миллиард 41 миллион сўм миқдорда кредитлар йўналтирилди.

«Ироқи каштачилик» масъулияти чекланган жамиятига касаначиликни ривожлантириш, тикув машиналари ва станоклари ҳамда хомашёлар сотиб олиш учун банк томонидан 6,3 фоиз устамаси билан уч йил муддатга 33 миллион сўм миқдорда кредит бе-

рилди. — Касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 13 нафар аёл иш билан таъминланди. Ҳозирги кунда аҳоли талабларидан келиб чиқиб, миллий хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди тадбиркор Юлдуз Махмадиёрова.

Аҳолига хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини ривожлантириш учун ҳозиргача 69 та кичик бизнес субъектига 1 миллиард 32 миллион сўм миқдорда кредит ажратилган бўлиб, ушбу кредитлар

давригача касб-хунар коллежи битирувчиларидан 5 нафарига ўз бизнесини йўлга қўйишлари учун 56,2 миллион сўм кредит ажратилди. Бунинг ҳисобига 10 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирди, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли технология билан хиёзланган қайта

сан 462 та лойиҳага 6 миллиард 573 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Бу кредитлар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, яъни гўшт-сут, нон ва нон маҳсулотлари, шу билан бирга, иссиқхона, паррандачилик, балиқчилик ва асаларилик ҳамда бошқа тармоқларга йўналтирилди.

“Саитов Бекзод” хусусий корхонаси пишлоқ ишлаб чиқаришни ният қилган эди. Эзгу нияти амалга ошди. Банкнинг Шахрисабз филиалдан фирмага янги ускуна ва хомашё сотиб олиш учун 50 миллион сўм кредит берилди. Ҳозирда корхонада 12 турдаги пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Кредит ҳисобидан 6 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, маҳаллий озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш учун банк



Жамшид НОҲҚОВИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ҳисобига қишлоқ жойларда маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилди. Бунинг эвазига 180 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Бошқарма жамоаси ёшларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш ишлари фаоллашди. Айниқса, қишлоқ жойларда ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кенг қўламадаги ишлар амалга оширилиб, ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Натيجида кўпгина ёшлар кичик бизнес билан шуғуллана бошладилар. Жумладан, жорий йилнинг шу

ишловчи мини корхоналарни барпо этиш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромад ва яшаш тарзи сифатини ошириш мақсадида ижобий ишлар қилинмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг ижроси бажариб келинмоқда. Вилоятда ишлаб чиқилган ҳудудий дастурларга асо-

томонидан 4 миллиард 586 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Банкнинг вилоят ҳудудий филиали яққа тартибдаги тадбиркор Алимардон Эшдавлатовга паррандачиликни ривожлантириш учун 14,2 миллион сўм кредит берди. Коллеж битирувчиси янги иш ўрни ташкил этиш билан бирга товуқхона қурди ва 2400 бош парранда сотиб олиб, ўз фаолиятини ташкил этди.

Банк жамоаси Мустаҳкам оила йилида миқозлар ва кичик бизнес субъектларига молиявий маблағлар ажратиш, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаверади.

Озод ОЧИЛОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

## «АСАКА» банк (ОАЖ)

сизларни яшариш ва янгилашиш айёми — Наврўзи олам билан табриклайди ҳамда қуйидаги янги миллий валютадаги муддатли омонат турини таклиф этади:



### “НАВРЎЗ — 2012”

Сақланиш мугддати — 2 йил. Фузулар ҳар 6 (олти) ойда ёку омонат мугддати тузаганган (2 йилдан) сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН «АСАКА» БАНК (ОАЖ) ФИЛИАЛЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

- |                                |                 |
|--------------------------------|-----------------|
| 1. Тошкент шаҳар филиали       | (371) 120-83-13 |
| 2. «Автотранспорт» филиали     | (371) 120-39-95 |
| 3. Шайхонтоҳур филиали         | (371) 140-39-36 |
| 4. Юнусобод филиали            | (371) 225-16-46 |
| 5. Сирғали филиали             | (371) 258-67-49 |
| 6. Тошкент вилояти филиали     | (371) 120-84-13 |
| 7. Андижон вилояти филиали     | (374) 224-40-96 |
| 8. Асака филиали               | (374) 233-13-69 |
| 9. «Фарход» филиали            | (374) 226-97-53 |
| 10. Фаргона вилояти филиали    | (373) 224-70-83 |
| 11. Марғилон филиали           | (373) 237-12-37 |
| 12. Олтиарик филиали           | (373) 432-10-11 |
| 13. Қўқон филиали              | (373) 552-61-04 |
| 14. Наманган вилояти филиали   | (369) 226-94-75 |
| 15. Навоий вилояти филиали     | (436) 223-54-32 |
| 16. Зарафшон филиали           | (436) 573-18-78 |
| 17. Бухоро вилояти филиали     | (365) 223-71-94 |
| 18. Бухоро шаҳри филиали       | (365) 770-11-27 |
| 19. Самарқанд вилояти филиали  | (366) 231-08-86 |
| 20. «Афросиёб» филиали         | (366) 221-77-56 |
| 21. Қашқадарё вилояти филиали  | (375) 221-12-93 |
| 22. Сурхондарё вилояти филиали | (376) 770-82-12 |
| 23. Қорақалпоғистон филиали    | (361) 770-60-59 |
| 24. Хоразм вилояти филиали     | (362) 226-97-78 |
| 25. Сирдарё вилояти филиали    | (367) 225-44-03 |
| 26. Жиззах вилояти филиали     | (372) 226-43-11 |

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод! маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади! эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда! миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

# Тавриғимиз Сизга, азиизлар!

Бутун борлиқ янгилашиб, ўз гўзаллиги ила дилларимизга кўтаринкилик бахш этаётган шу кунларга барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан қутлаймиз. Мустаҳкам оила йилининг баҳори ўлкамизга қут-барақа, хонадонларимизга чексиз қувонч олиб келсин. Байрам кайфияти йил бўйи барчамизга ҳамроҳ бўлсин!

Зангиота туманидаги «ФАРОВОН» ПТК МЧЖ жамоаси





## Беруний туманидаги «YOG'GAR» очик акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз аҳлини, замонавий технологиялар асосида сифатли ёғ ишлаб чиқариб, халқимиз дастурхони тўкин-сочинлигига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ҳамкасбларини байрамлар маликаси — Наврўзи олам билан муборақбод этади.

Дилларга яратувчанлик, шижоат ва ташаббускорлик, фахр-ифтихор туйғуларини бахшила этаётган байрам шуккуҳи йил бўйи юртимиз бўйлаб кезиб юрсин!

Азиз юртдошлар!

Дастурхонларингиздан тўкин-сочинлик, хонадонларингиздан файзу барака аримасин, байрам барчага қутлуғ бўлсин!



## «МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ» унитар шувба корхонаси жамоаси

барча ватандошларимизни, нефть-газ саноатидан ҳамкасбларини қўдалик айёт — Наврўзи олам билан қутлайди. Байрам нафаси юртимиздан ҳар бир хонадонга қуш-барака, ширинлик-хотиржамлик, бахт-иқбол олиб келсин. Муштақам оила йилида юрtdошларимизнинг ширин фаровон бўлишини тилаймиз.



## Айём муборақ, азизлар!

Юрtdошларимизни, бозбону соғибкорларни қўдалик ва янгилик байрами Наврўзи олам билан муборақбод этамиз! Мамлакатимиз бозу бўстонларга айлансин, халқимизнинг дастурхони ноз-неъматлар билан тўкин, ширин фаровон бўлишини тилаймиз.

«Мева-Шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш Корпорацияси жамоаси



## «АНДИЖОН ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ» акциядорлик жамияти жамоаси



барча юрtdошларимизни, Она Ватанимиз тупроқларидан халқимиз ризқ-рўзини етиштираётган заллақору фермерларни баҳор айёми — Наврўзи олам билан самимий табриклайди. Меҳнатсевар, бунёдкор халқимизга муштақам соғлиқ, хонадонларига тинчлик ва хотиржамлик, дастурхонларига файзу барака, эзгу ишларида омад тилайди.

Бош муҳаррир:

Чори ЛАТИПОВ

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграр саноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Алтай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сайсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Хамрой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир уринбосари), Омигулла ЮНСОВ, Анвар КУЛМУРДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шероф ФУЛОМОВ, Муҳаммад АБДУСАМАТОВ (масхул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021



### ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

### ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.

### Реклама ва эълонлар —

236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир:

А.НУРУЛЛАЕВ

Мусаххас:

О.ОЧИЛОВ

Дизайнер:

М.БОБОМУHAMMEDOVA